# ЖУМҲУРИЯТ ЁШ ИЖОДКОРЛАРИНИНГ VI СЕМИНАРИ



СУРАТДА: Жумҳурият ёш ижодкорларининг VI семинари иштирокчиларидан бир гуруҳи
С. МАҲКАМОВ суратга олган

Икром ХЎЖАЕРОВ

## ЭЙ, ЯНГИ ШУЪЛА

Эй, янги шуъла, таралгин, энди сен
Ҳансираб кўз очган забонлар учун,
Минг бир ғурбатлар узра бўзлаб қолган
Ҳақиқат топмаган замонлар учун!

Эй, янги шуъла, таралгин, энди сен
Гард тегмаган соф виждонлар учун,
Ноҳақлар жўр бўлишган бир замонда
Ҳақиқат излаган инсонлар учун!
Эй, янги шуъла, таралгин, энди сен
Ҳақиқат посбони, виждонлар учун,

Бир замон маломатлар тошидан
Ёмон отлиғ бўлган Чўлпонлар учун!

Жумагул СУВОНОВА

## ЭРТАК ҲАҚИДА

Ўтмишнинг ҳақиқат ғолиб эртаги,
Ногоҳ кўзларимдан қазийди ирмоқ.
Кўнгил шодликларни тусамай қўйган,
Қувончлар сохтадек туюлар бу чоқ.

Ҳар бир қадамимда кўтариб бошин,
Маккорлик авж олар илдизлар отиб.
Қуруқ сафсатага айланиб борар,
Бугун яхшиликлар аслин йўқотиб.

Юракнинг қип-қизил ўтовларида,
Эрам парниларин тонглари отмас.

Қирқ кеча, қирқ кундуз йўл босиб келган,
Баҳодир дев билан олишиб ётмас.

Дарёга ғарқ бўлмас энди жодугар,
Тошларга тўлдириб этакларини.
Бугунги шоирлар қандай битишар,
Йигирманчи аср эртакларини?!..

●

Кеча ухлар, ҳижронда интиқ,
Сочларини сукут сийпалар.
Тушларида етим оқ — Тонгни,
Ота — кундуз етаклаб кетар.
Кеча титрар, сассиз ноласи,
Тун кўксини тилимлар беун.
Совуқ хона,
Жиқ ҳўл ёстиққа,
Жунжукканча бош қўяди тун.

Бобомурод ЭРГАШЕВ

## БИРИНЧИ ҚОР

Сўқмоқдан қайтмади ҳеч ким оқшомда,
Ғижирламай қўйди қоқсуяк толлар.
Қўлида отларнинг бир тутам ёли.
Қадрдон далада тентирар чоллар.

Сўнгги олмаларни тутиб кафтида,
Кимсасиз боғларда йиғламоқда қуз.
Дарахтлар кўз узмай турар осмондан,
Шувиллаб тўкилар бир тўда юлдуз.

Момом тунда маъюс очиб ўлтирар,
Омонат йилларнинг сандиқларини.
Изиллар, дераза тўса олмайди,
Хотиранинг қора совуқларини.

Сукунатнинг чинни кўзаларига
Жимгина-жимгина қуюлар хаёл.
Деворга осиғлиқ сўзаналардан
Тун бўйи гул териб ухламас Аёл.

Гарчи бу дунёнинг қулоқларимга
Ҳали айтилмаган эртаклари бор.
Ҳеч ким кўрмай қолар то саҳаргача
Менинг боғларимга ёққанини қор.

Нодира БАРОТОВА

●

Жоним энам, эртак
айтманг,
Эртагингиз ёлғондир.
Энди билдим Ойгул ўлган,
Бахтиёрлар бежондир.
Энди билдим
Алпомишнинг

Алплигини, энажон.
Барчинойнинг кўз
ёшлари, —
Дардлигини энажон.
Энди билдим
Гўрўғлининг
Ғиротлари ўлгандир.

Минг йилларки,
Шоҳсанамнинг
Ғариблари келмайдир.
Эна, бу рост
Ёрилтошлар
Ёрилмоғи аёндир.
Эртак эмас бу айтганим
Ҳаёт деган исёндир...

Нормурод МУСОМОВ

●

Осмон менинг кўзимдир —
Ёмғирлари тинмаган.
Ёноқлари нам эмиб,
Киприклари қонмаган.

Осмон менинг кўзимдир —
Юракли доғули.

Киприклари қон эса,
Қарашлари оҳули.

Осмон менинг кўзимдир —
Уйқу нима? Билмаган.
Киприклари илиниб,
Ёноғига энмаган.

Осмон менинг кўзимдир —
Қийнагани, қийнаган.
Кипригим тўй эрсада,
Йиғлашини қўймаган.
Осмон менинг кўзимдир...

Ҳамрохон ҲОТАМОВА

## ЎТИНЧ

Кўзим алдади мени,
Ўзим алдади мени,
Нетайки ёлғонлаган
Сўзим алдади мени.

Дунё, ёлғончи дунё,
Сендан Ҳақни изладим.
Мени алдади рўё
Мен Оллоҳга бўзладим.

Ёлғонлардан куйдим мен,
Руҳим кўзлар самони.

Жонимни олу Тангрим,
Ҳаққа етказ Ҳамрони.
Ёлғиз Ҳаққа алмашгум
Бу ёлғончи дунёни...

Шавкат ҲАСАН

## ТУҒИЛГАН КУНДА

Минг йиллик йўл босиб келди бу ғурбат,
Елкасида хуржун, бошида кулоҳ.
Оёғи остида ғижирлайди қум,
Гоҳи банда деди, гоҳида оллоҳ.

Бу дард минг йил бурун таваллуд топди,
Бу қайғу тирилган минг йил илгари.
Ўзлигин англамай то ҳануз чопди
Соясини қувган телба сингари.

Саҳролар оралаб борар бу карвон,
Карвонки, неси бор, бари таланган.
Бошимда дўппию, эгнимда чопон,
Минг йилдан буён мен хаёл сураман.

## АРОСАТ

Мана, мен ниҳоят,
Жойлашиб олдим —
бахтсизликдан тепада,
пастроқда бахтдан.
Жойим-ку, топдим,
эҳ, энди чўзилсам —
бошим бахтга тегар,
оёғим бахтсизликка.

Муқаддас НАЗАРОВА

●

Шамс юзин ўгирар у келар чоғи,
Ғафлатга ботади Кўҳиқоф тоғи,
Бўзариб боради осмон сиёҳи,
У эса йиғлайди.

Саҳий дарахтлар ҳам ухлаб қолишар,
Меҳмондўст далалар ўйга толишар,
Ўйноқи қушчалар чарчаб, ҳоришар,

У унсиз йиғлайди.
Юлдузлар биз осмон чечаги, дея,
Ёлғиз ой мен само малаги, дея,
Ўзлари осмонда, ердаги соя —
У ўксиб йиғлайди.

«Ёлғизман дунёда юрагим яра,
Мен оқмас, ахир, шум қораман, қора,
Худойим, менга ҳам бахт бер, бир бора» —
Дея ТУН йиғлайди.

Нурмуҳаммад МУҲАММАДИЕВ

●

Кўз ёш бўлиб дардлар тўкилар,
Айрилиқдан ота чекар оҳ.
Танасида бир бовир эдинг,
Белда қувват, мушкулда паноҳ.

Бедор кўзлар қоқади киприк,
Суратингга айланган йўллар.
Дийдорингдан симирай деса,
Қалтирайди чўзилган қўллар.

Субҳидамда сабо эсади,
Тунги жангнинг ғалабасидай.
Сени излаб бир руҳ кезади,
Хаёлларнинг тўзғин сасидай.

Тун. Ҳовлида соғинч бўзлайди,
Кўргиликдан қишлоқ ўкирар.
Қурол тутган дўстлар сўзлайди:
...Кўз ёш бўлиб дардлар тўкилар.



Бахтиёр ҲАЗРАТҚУЛОВ

# КАРВОН ҚАЙТАР КУН

### ЁШ ТАБИБНИНГ ҲИКОЯСИ

Бу воқеа — нохуш бир сукут пардасига чулғаниб ётган осуда турмушимга ёвуз ёғийлар сингари кутилмаганда бостириб кирди. Умримни доимий ўзанидан буриб юборган бу кўргулик содир бўлганида: мен эски Элсарой қишлоғининг кун чиқиш томонида жойлашган хароба кулбада яшай бошлаган ва одамларни даволаб эндигина қишлоққа табиб бўлиб танилаётган пайтларим эди. Ундан анча йиллар олдин эса ўз муқаддас туйғуларимни излаб дунё кезган ва излаб-излаб тополмагач, оқибатда тошбақага ўхшаб улкан тошнинг тагига беркинган эдим. Ёлғизлик доимий ҳамроҳимга, хаёлим эса овунчоғимга айланганди. Эртанги кун нимадир рўй бериб, ҳаётим тубдан ўзгариб кетар деган илинж мени яшашга мажбур этар, кунларим эса бир хилда даҳшатли — юракни сиқувчи зерикиш билан ўтарди. Мана шундай маъносиз, бир-биридан зерикарли кунларнинг бирида, қабристон четида қаровсиз қолган, харобаликка юз тутган омонат уйимнинг рўпарасига алмисоқдан қолган арава келиб тўхтади.

Мойи қочиб ғийқилаб қолган, қора от қўшилган аравада икки киши бўлиб, уларнинг бири улоққа тушадиган чавандоз каби бошига қулоқчин, эгнига чопон кийган, ёши ўттизларга яқинлашган навжувон бир йигит эди. У ўзига узоқ вақт қарамай қўйганлигидан соч-соқоли ўсиб кетган, қўй кўзларини бутунлай умидсизлик эгаллаган, гўё у бу дунё ташвишлари деб югуравериб чарчаган, охир-оқибатда ҳамма нарса жонига теккан кишига ўхшарди. Иккинчиси эса худди ўлган одамдек араванинг ичида узала тушганча, жанда кўрпа орасига кўмилиб ётар эди.

Мен табибларга хос синчковлик билан беморнинг бўйнидаги бўртиб чиққан томирларини, қуриқшаб ёрилиб қолган лабини, қуёш тегмаганидан сарғайиб, кўзи тушган одамни дафъатан жунжиктириб юборадиган касалманд ва пажмурда юзини обдан кўздан кечирар эканман, бирдан сесканиб тушдим. Беморнинг кўзларидаги қорачиқларини оқиш парда қоплаган, киприкларида йиринглар қотиб, ёпишиб қолган эди. Шу пайт бемор инқиллаганича «мен бошқа қуёшни кўрмайман», деб ғулдираб қўйди. Беморни ёрдамчим кўмагида хонамга киритиб ётқизишгач, ҳамроҳи бир қориндан талашиб тушган укаси бўлиб чиқди.

«Бор умидим сиздан, илоё умрингизни узоқ қилсин, акамни соғайтириб беринг, бир умр хизматингизда бўлай, сиздан бошқа кўп табиблар уриниб кўришди, ҳеч нафи тегмади: акамдан бутунлай умидимни узиб, энди ўлса керак деб ўйлаган эдим. Сизни эшитишим биланоқ негалигини ўзим билмайман, унинг тузалишига ишончим ҳосил бўлди. Энг сўнгги умидим сиздан, акамни оёққа турғазиб беринг», деб узоқ ёлворди. Мен табиблик касбини бошлагандан буён ҳали бундай беморга дуч келмаган, тиббиёт китобларида ҳам учратмаган эдим.

Укасидан касаллик қандай бошланганини суриштирганимда, мендан олдинги табибларга ҳам қайта-қайта айтилавериб ёд бўлиб кетган гапларни у бошини қўйи эгганча паришон бир ҳолатда худди эртак айтаётгандек эринмай, батафсил ҳикоя қилиб берди. Менга гапларининг оҳангидан унинг ўзида ҳам аллақандай сирли дард бордек туюлди.

«Касалнинг бошланганига анча бўлди,—деб гап бошлади у, — Сизга мен ҳаммаси ойдек равшан бўлиши учун бошидан бошлайман. Акам авваллари соғ юрган пайтларида ўзининг кўрган тушлари ҳақида гапириб юрди. Қандай тушлар деб сўрамоқчисиз, шекилли, ҳозир ҳаммасини ипдан-игнасигача айтиб бераман. Унинг кўрган тушлари алмоий-жалмоий тушлар бўлиб, жуда қўрқинчли эди. У тушида боласини еяётган тўнғиз, янги туғилган чақалоғини чавоқлаётган она, кўкрагига ёй қадалган яроғи синган паҳлавон ҳақида, яна соғ одамларга йўл кўрсатиб бораётган кўр одам ҳақида, умуман, мана шунақа тушларни кўрар ва буни менга оқизмай-томизмай айтиб берарди. Кейин мени ҳоли-жонимга қўймасдан худди ёш боладек (ҳа-я у охирги пайтлар худди шундай бўлиб қолганди) тушларининг таъбирини сўрар, мен эса акам хафа бўлмасин деб, қўлимдан келганича таъбирлаб берар эдим. Сизга боя айтганимдек, ҳаммасини бошидан айтиб бермасам тушунмай қоласиз.

Бизнинг раҳматли отамиз бундан роппа-роса саккиз йил олдин ойи-куни битиб қазо қилган эди. Отам тирик пайтларида бобомнинг уйимизда ўлгани ҳақида кўп гапириб юрарди. Ёшлигимда ҳар доим отамдан онамни сўраганимда, менга паришон термулиб ўтмиш хотира варақларини бир-бир очарди-да, чуқур ўйга толганча мулойимлик билан: «Онангни бобонгнинг арвоҳи тинч қўймади, сен туғилганингдан кейин онанг уч кун ҳушсиз ётди ва охири бобонг билан бирга кетди», деб чучмал жавоб бериб қўярди. Акам эса йигирма уч йил аввал қўшнимизнинг қизига уйланганди. (У пайтлар мен ёш бўлганман.) Уларнинг орзу-умид ва бахт чечаклари қуюқ ўсган гулгун ҳаёти орадан тўққиз ой ўтмасданоқ хазонрезликка юз тутган: чечам ўша пайтлар оғир оёқли бўлиб, ой чиқмаган бир тунда тўлғоқ тутиб қолган, чақалоғи ўлик туғилган. Чечам гўё тилини суғириб олгандек гунг бўлиб, жойидан қимирламай ётиб қолган. Отамнинг айтишича, умрининг қолган қирқ кунида ҳам бир оғиз гапирмаган экан. Тунлари чечамга алланима балолар кўриниб, баъзан кундуз кунлари ҳам бошига ўлим соя солган бемордек кўзлари қинидан чиққудек олайиб-ғулайиб қўрқиб чиқар экан. Чечам фақат қазо вақти яқинлашиб, энг сўнгги дақиқаларида дармонсиз, тили калovланиб аранг «эҳтиёт бўлинглар», деб оламдан ўтган. Буни мен ҳар сафар отамдан эшитганимда- «Чечам қандай шу касалга чалинди? Кўзларига нималар кўринган? Нима учун «эҳтиёт бўлинглар» деган», деб сўрардим.

У «Ўғлим буни айтишга яратганнинг бандалари ожиз. Буни фақатгина яратган эгам билади», деб итоатгўйлик билан жавоб берарди. Қўшнилар чечамни ва онамни аллақандай жинлар чалиб кетгани ҳақидаги миш-мишларни то эсларидан чиққунча гапириб юришди. Шундан сўнг акам тоқ ўтишга қарор қилган экан, ундан кейин ҳеч кимга уйланмади.

Орадан анча йиллар ўтиб, акамнинг тушларини таъбирлаб юрган кунларимнинг бирида хонасига кирсам, у совуқ еган одамдек кўрпа-тўшак орасида қалт-қалт титраб беҳуш ётганини кўрдим. Азроил жонини суғириб олаётган одамга ўхшаб, жон-талвасасида тўлғаниб ётар эди. Тез орада қўни-қўшнилар йиғилишди. (Биласизми, бу қишлоққа биз бошқа ердан келганмиз, шу сабабли бирорта қариндошимиз йўқ.) Уларнинг маслаҳати билан фолбинга бордим. Шарти кетиб, парти қолган бу фолбин: «Аканг ёмон туш кўрибди, тушига карвон кирган, шу карвон акангни чалиб кетган», деб айтди. Яна унинг таъбирлашича, қачонки шу карвон қайтиб ўтса, акам тузалар эмиш.

Орадан икки кунлар ўтиб акам ўзига келди. Ва мендан: «Нима ҳамма ёқни зулмат қоплаганми? Чироқни ёқсанглар бўлмайдими?» деб сўради. Мен унга ҳозир кундуз эканини, атроф ёп-ёруғ эканини айтдим. Кейин билсак, акам кўр бўлиб қолибди.

Ҳаммаси шундан бошланди, йўқ-йўқ ҳаммаси кўрган тушидан бошланган экан. Акам ўзига келган куни кўрган тушини гапириб берди. У тушини янглишмасам шундай бошлади. Ҳамма ёқ ўт-ўлансиз, қуп-қуруқ бийдай чўл эмиш, қуёш тандирдек атрофни қиздирар эмиш. Шу пайт чўлда осмон бўйи чанг-тўзон орасидан кун чиқишдан кун ботиш томонга кетаётган сон-саноқсиз туялар карвонини кўрибди. Бутун карвонни битта сарбон бошқариб келаётган эмиш: акамнинг айтишича, сарбон аввал одам экан, кейин эса жуда улкан ўргимчакка айланиб қолганмиш. Ўргимчак иплари билан ортидан келаётган туяларни чирмовуқ ўт каби чирмаб олган, туялар эса ниҳоятда озғин, суяклари терисидан бўртиб чиққан, сувсизлик ва ҳолсизликдан боши ерга теккудек кетиб бораётган эмиш. Туялар устига ортилган оғир юклари ва ўргимчакнинг ипи уларга баттар азоб берармиш. Ҳа, ҳа, акам худди шундай айтиб берганди. Ундан кейин ичимга қурт тушгандек сабрим чидамай фолбинникига яна икки марта бордим. Юзларини ажин қоплаган, кўзларида ҳаёт доноликлари жо бўлган бу турқи совуқ фолбин икки марта ҳам: «Шу карвоннинг қайтиб ўтишини кутинглар, ўшанда тузалиб кетади, жонлиқ сўйиб, қон чиқариб ўтиришнинг ҳожати йўқ», деб айтди. Унинг минғир-минғир гапларидан яна шуларни тушундимки, энди карвон тушида қайтса, худди баҳордагидек ҳамма ёқ ям-яшил бўлиб, туялар тўда бўлганича этлари тўлишиб, кун чиқиш томонга эркин ўтармиш. Фолбиннинг таъбирича, гўё акам қачонки мана шуларни тушида кўрсагина тузалар экан.

Унинг фолларидан кейин акамнинг тузалишига менда ишонч пайдо бўлган эди. Орадан бирор ҳафта ўтмасданоқ ишончим худди шишадек чилчил синди. У яна безгаги тутган кишидай қалтқалт титрай бошлади. Шу аҳволда уч кун ҳуши ўзида бўлмай ётди. Менинг эса бормаган жойим, кирмаган гўрим қолмади. Табиблар берган гиёҳ ва дорилардан игнача ҳам наф кўрмади: гўё улар сувга ташланган тош мисоли изсиз йўқ бўлиб кетаверди. Акам ҳушига келганда ўзи билан ўзи гаплашадиган одат чиқарди. Гапларимизни ҳеч эшитмас, худди деворден гапимизга жавоб қайтармас эди. Биласиз: кар одамларга қаттиқ овозда гапирсангиз эшитишади, лекин акамнинг қулоғининг тагига бориб бақирсангиз ҳам эшитмайди. Акам ундан кейин ҳаёт билан бурни орқали боғланиб турди. Менинг гапларимга ҳайрон бўлаяпсиз шекилли, ўзингизга ишонгандек ишонаверинг, ростдан ҳам шундай бўлди. Хонага ким кирганини, қандай овқат олиб келганини ҳид орқали ажратадиган бўлган эди.

Акам ярим жон бўлиб қолганди, шу ярим жонлигида яшайверса ҳам рози эдим, лекин шуни ҳам менга кўп кўрди. Ҳаммасидан даҳшатлиси кейинроқ бошланди. Акамнинг танасига касал кўринишида кириб олган ажал элчилари таъқибини тўхтатай демасди. Касали охирги марта хуруж қилганида ичига биров кириб олгандек туни билан тўлғаниб, қон тутган одамдай алаҳсираб чиқди. Бу ҳол то тонгга қадар давом этди. Ундан кейин у аста тинчиб, оғир меҳнатдан толиққандай қотиб ухлаб қолди. Кечгача мен акамга индамадим. у бу хуруж бошлангандан бери туз тотмаганди, уни овқатлантириш учун туртиб уйғотмоқчи бўлганимда ҳеч нарсани сезмади: ҳатто бурнининг тагидаги таом ҳидидан ҳам уйғонмади. Хаёлимга келган «ўлиб қолган бўлса-я», деган фикрдан қаттиқ қўрқиб кетдим. Кейин қорнининг кўтарилиб тушишини кўриб, бироз ўзимга келдим. Унинг ўша пайтдаги ҳолати ҳаёт билан ўлим ўртасида турган одамга ўхшарди. Қорнига туртиб, қаттиқ-қаттиқ урганимдан сўнг, у зўрға оғзини очди... овқатни бердим.

Биласизми, бир нарсага ҳайрон қоламан, акам шунча вақт касал бўлдики, иштаҳаси бирор марта йўқолмади. Тўғри, касали хуруж қилганда емасди, бошқа пайт ҳар сафар овқат берганимда уч-тўрт кун қамалиб ҳеч нарса емаган одамдай очофатлик билан ейди.

Акамга қаранг, кўрган одам мурда деб ўйлайди. Соғ одамнинг юзларидан бирор нимани ўйлаётганини чуқур разм солсангиз билиб олишингиз мумкин. Унинг юзига қанча тикилманг ҳеч нарса уқиб ололмайсиз: фақат тишларини ғижирлатишидан азоб чекаётганини билишингиз мумкин. Гўё у, на ёруғлик, на товуш, на ҳид кира оладиган, чор-атрофи баланд мустаҳкам деворлар билан ўралган, қоп-қоронғи қўрғон ичида ёлғиз қолган одамга ўхшайди. Унга мен касаллиги энди бошланиб, кўр бўлиб қолган пайтларида фолбиннинг таъбирини айтиб берган эдим. Ўшандан бери унда бир ўй бор — бу умид. Бу ўй уни тинмай қийнайди, буни мен баъзан азоб ва ҳасратдан ёшга тўлган кўзларидан пайқаб қоламан. Менинг ишончим комил, у қачонлардир карвоннинг қайтишига жуда қаттиқ ишонади.

Сизга айтиш эсимдан чиқаёзибди, уни шундан буён боя айтганимдек овқатлантирамиз. Яна қўшниларимизнинг айтишича, уйимиз бехосият эмиш, оиламизга келган барча бало-қазолар шу уйимиз туфайли экан.

Қаранг, яна қанақадир ўргимчак ҳақида алаҳсираяпти. Касал бўлгандан бери шунақа гапириш одатини чиқарган, ҳадеб «ўргимчакни ўлдир, атрофингдаги ипларни узиб ташла, мен бошқа қуёшни кўрмайманми? Ўргимчакни ўлдирсанглар кўраман», — деб қайтаргани-қайтарган.

Ҳақиқатан ҳам, айни шу пайтда акаси тишларини ғижирлатиб алланималарни гапириниб ётарди. Иссиғи баланд бўлганидан алаҳсирар, гаплари узуқ-юлуқ, у худди бировга мурожаат қилаётгандек:

«Уни ўлдиринглар, кўрмаяпсизларми? Баҳайбат ўргимчакни, тўқиган ипларига қаранглар, ҳаммаёққа чирмашиб бораяпти, тез орада ўлдирмасанглар ўзларингни ҳам чирмаб ташлайди: ипларни қийма-қийма қилинглар, қуёш чиқади, ўшанда карвон озод бўлади, ўзинг ҳам эркин бўласан», дерди. Аввалига паст овозда бошланган товуши, жазаваси қўзиб баландлашиб борарди. Беморнинг бундай гапиришидан ҳали унинг онги тиниқ, ақли заифлашмаганини, яхши даволанса тузалиб кетиши мумкин эканлигини англаб етдим. Акасини овутиш учун туртаётганимда, укаси «фойдасиз, у ҳеч нарса сезмайди, ўзи тутоқиб, ўзи тўхтайди», деб айтди. Укасининг мўлтираб турган кўзларида ёш қалқиди: у акасининг бақириқларига чидай олмай ташқарига чиқди. Ортидан мен ҳам чиққач, ойболтадан қўрққан жиноятчидек оёқларим тагига тиз чўкиб, акасидан бўлак ҳеч кими қолмаганини айтиб ёлворди. Аввалига мен табиб бўлганимдан бери бундай касал даволамаганимни, акасига эса нафим тегмаслигини айтиб қайтариб юбормоқчи эдим. Лекин унинг эланиб-ёлворишидан муздай қалбим эриди, раҳмим келди. Тиззамни қучоқлаб олган укасини овутиб, икки ҳафтадан кейин келиб хабар олишини, унгача мен қўлимдан келганича муолажа қилишимни айтиб хайрлашдик.

Бироқ орадан икки ҳафтанинг ўтиши менга жуда қийин бўлди, гўё кунлар тўхтаб қолгандай бир кун йилдек туюла бошлади. Мана шу икки ҳафтанинг ичида ёрдамчим иккаламиз нақ жаҳаннамнинг азобини тортдик. Соч-соқоли ўсиб кетган, исқирт, аллақандай (узоқ вақт чўмилмаганидан бўлса керак) сассиқ ҳиди бор бу беморни аввалига жирканиб даволай бошладик. Унга овқатни ҳам ижирғаниб, итга бергандек берардик. Ёрдамчим иккаламизнинг унга овқат беришимиз ҳар бир азобимизга ўн азоб бўлиб қўшиларди. Укаси айтганидек қорнига қаттиқ-қаттиқ урганимиздан кейин оғзини очар, берган овқатимизни мол каби сезмасдан, чайнамасдан ютарди.



Лекин негадир аввалига жирканган бу беморга кейинчалик меҳр қўйиб, ундаги исқиртлик ва сассиқ ҳидга ҳам кўника бошладим.

Беморга мен берган гиёҳ ва дориларнинг фойдасиз эканлигини, бундай даволашимнинг ҳеч нафи тегмаслигини иккинчи ҳафтанинг охирги куни англаб етдим. Яна бир ҳафта ўтса ҳам укасидан дарак бўлмади. Тўртинчи ҳафтанинг ёмғирли бир кунида эгни-боши ҳўл, кийимлари ифлос, соқол-мўйлови ўсиб кетган нотаниш киши хонамга кириб келди. Унинг кўзлари бежо, атрофга олазарак боқарди. У менга бир зум синчковлик билан тикилиб турди: қорачуғларида эндигина пайдо бўлаётган оқиш пардани кўриб, ранғим қув учди. Нотаниш кишининг ифодасиз юзларидан, гапираётганида беихтиёр қўлларининг унга бўйсунмасдан ҳаракатланишидан тўшакдаги беморнинг касалига чалинганини илғаб олар эканман «ёраб, наҳотки шундай бўлса», деб ўйлаганча қотиб қолдим. Қачонлардир ўлаётган одамнинг қўллари ўзига бўйсунмай ҳаракатланиши ҳақида эшитган эдим. Гўё у менга ҳозир хонамда, кўз ўнгимда ўлиб қоладигандек туюла бошлади. У тўшакда тишларини ғижирлатиб, инқиллаб ётган беморга кўзи тушиб, унга бир пас термулиб турди-да, қадрдон танишини топгандек кўзларини катта очди. Кейин, уни биров бўғаётгандек ҳирқироқ овозда гап бошлади. Сўзида у беморнинг қишлоғидан эканлигини, уларни жуда яхши танишини, укаси қишлоғига қайтиб боргандан сўнг бу одамга ҳам менга бориб кўринишини маслаҳат берганини айтди. Укаси ҳақида эшитар эканман, дилимда аллақандай умид чироғи ёнгандай уни суриштирдим. Нотаниш киши бошини сарак-сарак қилганича:

— Укаси акасини сизга ташлаб боргандан кейин фалокат рўй берди. Ўшандан кейин укасини беш кунгача ҳеч ким кўрмаган, қўни-қўшнилар эса аллақандай ўлимтик ҳидидан безовталаниб қолишган, буларнинг уйига бориб қарашса, сасиб, энди қуртлай бошлаган укасининг жасади устидан чиқишган. Лекин биласизми, (Унинг кўзлари бесаранжом бўлганича, биров овозимни эшитиб қолмасин дегандек паст овозда) хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, унинг танасидан бирорта жароҳат изини топиша олмади. У қандай ўлган, нима учун, жиноятни ким қилгани буни ҳам ҳеч ким аниқлай олмади, — деди.

Мен нотаниш беморга анча вақт термулиб ўтирдим. Хаёлимда эса акасини энди нима қилиш керак деган фикр тинчлик бермасди. Қишлоғига олиб борай десам укаси аллақачон ўлган, бирорта ҳам қариндошлари йўқлигини укаси айтган эди. Охири, бир қарорга келгунимча меникида қолади-да, деган фикрга келдим. Анови ётган бемор каби бу нотаниш беморни ҳам даволай олмаслигимни билиб, гиёҳлардан тутқазиб, ҳар куни эрталаб канда қилмай ичиб туришни айтиб жўнатиб юбордим. Сал ўтмай бу қишлоқдаги ҳамма одамлар мана шу касал билан оғришини, уларнинг кўзларига аста-секин парда тутилиб кўрмай қолишини, қулоқлари эса товушларни эшитмай, бурнилари ҳид, оғизлари таъм сезмаслигини, танаси ўликка айланиб, кейин муқаррар суратда ўлимга маҳкум эканликларини ҳис этар эканман, даҳшатга тушдим.

Нотаниш бемор келиб кетганидан кейин орадан чамаси ўн беш кунлар ўтди. Бу борада ёрдамчим беморга қарашдан қийналганлигидан, ё бошқа бир сабабданми, мен билан хайрлашмасданоқ жўнаб қолибди.

Ҳализамон қулаб босиб қоладиган хароба кулбамда бемор билан ёлғиз қолдим. Кундан-кунга тортаётган азобларим кўпайиб, оғирлашиб борар, айни вақтда беморга бўлган меҳрим янада ортиб бораётганини сеза бошладим.

Буларга чек қўядиган бирор воқеа рўй бергунга қадар мен яшайманми ёки абадийликка сингиб кетаманми, бу ҳақда сира ўйламаган эдим. Ярим тунда туйқусдан қўнғироқ овозидан сапчиб уйғониб кетдим. Хонамда чироқ ҳозир ўчиб қоладигандек милт-милт ёниб атрофни хирагина ёритиб турар, ҳали замон ўчиб зулмат ва ваҳм ёв лашкарлари янглиғ бостириб кирадигандек эди. Бемор эса алаҳсираганча тишларини ғижирлатиб ётарди. «Бу қўнғироқни ким чалди, қаердан чалинди, балким менга шундай туюлгандир», деб ўйлаганича ёнбошга ағдарилиб, чироққа термулиб ётдим, лекин ҳадеганда кўзимга уйқу келмас, гўё уйқумни ўша қўнғироқ ўғирлаб кетгандек эди.

Шу пайт менга чироқ нурлари билинар-билинмас хиралашаётган, атрофдаги буюмларга баҳайбат махлуқнинг сояси тушаётгандек туюла бошлади. Тиниқ кўраман деб кўзимни қанча уқалайман у борган сари хиралашиб, бутун вужудимда совуқдан жунжиккандек қалтироқ пайдо бўлди. Юрагим така-пука бўлганча ўйлаб ётар эканман, бирдан бу касалнинг менга ҳам юқаётганини оний шуур билан сезиб қолдим: хаёлимнинг минг бир кўчасига кириб чиқдим. «Энди нима қилиш керак», деган ўй менга тинчлик бермасди, охири толиқдим. Кўзларимни юмиб олганча ўйга чўмдим. Мен худди туш кўраётгандек эдим. Тўсатдан чанг-тўзонли уюрим ичида ўргимчак пайдо бўлди. У бақувват ипларига боғлаб мени тортқилаганча «мана, бу жаҳаннам, мана, бу жаҳаннам», деб судраб борарди. Мен қанча тиришмайин, қаршилик қилмайин, бу куч олдида ожиз эдим: жарга яқинлашиб борар эканман, унда ловуллаб ёнаётган оловни кўрдим. Шу вақт менда азалий, ота-боболаримдан қон орқали ўтиб келган ўз-ўзини ҳимоя қилиш туйғуси қўзғала бошлади. Оловдан қўрққанимдан ирғиб ўрнимдан турар эканман, менга икки йўл қолганини аниқ-тиниқ тасаввур қилдим.

Ё ожизлар билан бирга мана шу кўр дунёда мангу қолиб кетиш...

Ё ўргимчакни топиб ўлдириш...
Ҳаёт бундан ўзгача давом этиши мумкин эмас эди.

ҚАШҚАДАРЁ

# ДУНЁНИ ГЎЗАЛЛИК ҚУТҚАРАДИ

## Одоб, одоб ва одам

Идораларнинг бирига тўрт боласини етаклаган аёл кўз ёши қилиб келди. Идора бошлиғи аёлга насиҳат қилган бўлди. Айбдор саналмиш ўз ходимасини тартибга чақириб қўйишни ваъда ҳам қилди. Аммо тўрт боласи бор, оиласи бор йигит билан дон олишиб юрган ахлоқсиз ходиманинг мушугини ҳеч ким пишт деёлмади. Чунки у ҳуқуқини таниган аёл. Раҳбарнинг устидан ёзавериб «ёзувчи» бўлиб кетган. Шарму ҳаёни унутганлиги учун уни ҳеч ким суд қилмайди.

Ҳеч бир идора, раҳбардан нажот топмаган, камситилган, хўрланган аёл 4 боласини етаклаб яна қайга борсин? Модомики, шарму ҳаё муҳофаза қилинмас, шармсизлик суд қилинмас, муҳокама этилмас экан, унинг оқибати нима билан тугаши аён. 4 боланинг онаси ҳам шармсизлик йўлига кирсинми? Йўқ! У бундан кўра ўзига ўлимни афзал кўради.

Аммо, энг изтироблиси, тирик етим болалар сафига яна тўрт гўдак қўшилади. Ҳаёсизлик эса ўз йўлида яна давом этаверади. Ҳа, у шу пайтгача анчагина йўл босиб қўйди. У ҳали-вери орқасига қайтмоқчи эмас. Негаки, лоқайд одамлар унга йўл беради, «Орқангга қайт ярамас», — демайди.

Наздимда, инсон маънавияти улкан бир дарахт. Одоб, ҳаё, одамийлик, камтарлик каби фазилатлар унинг япроқлари. Бирор баргнинг сарғайиб тўкилгани дарахтнинг чиригани эмас. Унинг илдизини сақлаб қолиш керак. Илдизини еб ётган қуртни топиш, тозалаш керак. Одам одамдан узоқлашиб кетяпти. Бу узоқлик, бу олислик қолдираётган армонларнинг бири лоқайдлик. Биз хуш хулқли, одобли, назокатли, шарму ҳаёли, андишали аёл билан ҳаёсиз аёлни ёнма-ён қўяверамиз, бир тарозида тортаверамиз. «Ўшани оғзини ёпинглар», «ўша билан тенг бўлманглар» деймизу, ул мўлтонига мурувват эшикларини ланг очиб қўйганимизни билмаймиз. Одамни одамдан фарқламаслик ўша олисликнинг меваси эмасмикин? Мен бувимни яхши эслайман. У кишининг ўгитлари ҳамон ёдимда: «Сувга ташналикдан одамга ташналик ёмон», — дер эдилар бувим. Сувсиз яшаса бўлади, лекин одамсиз яшаб бўлмайди. Одам одамга меҳрсиз, бефарқ бўлган замондан сақласин, дердилар яна. Аёллари иффатли, ҳаёли бўлган замонада яшаш бахт эканини уқтирардилар...

Аёл кишидан ҳаё кўтарилса, у ўсган оилагина эмас бутун бир жамият азият чекади. Мен ҳаё деганда фақат покликни эмас, сабрни, бардошни, қаноатни, одобни, ихлосни тушунаман. Ҳаёси бор аёл — бебаҳо кимёси бор аёлдир.

Бувимнинг ўгитлари ҳамон қулоғим остида бамисоли ҳикмат созининг садоларидай жаранглаб туради.

«Жон қизим, ҳаёт дегани риёзат дегани. Унинг байрамдан кўра синовлари, аламлари кўп. Борган жойингнинг сопол буюмини чинни буюмга айлантир. Бирига ўнни қўш. Ёмонини яхши қил. Ўзинг борган хонадоннинг мушугини ҳам сизлаб гапиргин, болам. Хуш каломинг — бу ярим бахтинг, хуш хулқинг эса — бутун бахтинг, камолингдир...»

Ўз жуфтининг кўкрагига фартук осиб қўйиб, ошхонага «бека», болаларга «энага» қилиб қўйган аёлни эр кечирар, лекин эл кечирмайди, асло. Тенг ҳуқуқлик бунақа бўлмайди. Аксинча, аёл ўз жуфтининг ишдан келишини алоҳида меҳр, тайёргарлик билан кутиши керак. Бу эрдан қўрқиш эмас, асло. Бу — ўша бувилардан қолган ардоқли, умри боқий ва тотувликни, оиладаги файзу саховатни таъминлагувчи азиз удум. «Қадрдон кишинг остона ҳатлаб уйга кириб келишига сен ой бўлиб тўлиш, қуёш бўлиб нурингни соч», — деярдилар бувим...

Бошқа аёлларни билмадим, лекин мен болаларимга, умр йўлдошимга бирор тансиқроқ таом пишириб едирмаган кунимда ўзимни кечиролмайман. Уйимдан нур, офтоб кўтарилгандек бўлади. Аёл ким бўлишидан қатъи назар хоҳ у нозира бўлсин, хоҳ у олий кенгаш депутати бўлсин, барибир оиладаги дилшодликка, тотувликка, орасталикка жавобгардир. Бунга у эркакдан кўра уқувлироқ, билимлироқ ва тажрибалироқдир. Аёл осмондаги моҳ бўлганида ҳам оиладаги бурчи у билан-дир. Она, уй бекаси, мунис ёрдир у. Оламдаги энг танқис бахт юқори лавозимга кўтарилган, мукофот олган куним эмас, оиламда эзгулик, тотувлик, дилшодлик мўл бўлган кундир мен учун...

Муҳаббат — дастурхон эмас. Ҳа, уни бировларга кўз-кўз қилиш, ҳар кимнинг оёғига поёндоз қилиб солавериш одобданми? Мен ҳар куни Гагарин боғини сайр қилиб ишга ўтаман, ишдан қайтаман. Кўпинча ўғил, қизларим билан анҳор сувини ёқалаб қизил майдонга ўтамиз. Табиатнинг бокиралиги, гулу алвонларнинг ҳусни тароватн, сувнинг шовуллаб сеҳрли оқиши хаёлингни олади, дилингни эркалайди. Лекин боғ ичидаги жуда кўп ўриндиқларнинг бирортаси ҳам бўш эмас. Гулзор четларига қўйилган бу ўриндиқларда тўйсиз, никоҳсиз жуфлашиб олганлар бир-бирига чирмашиб ўтиришибди. Қизим четга қарайди, ўғлим ҳам. Мен эсам ерга қарайман. Улар кўчалар, йўлкаларга совурилаётган азиз туйғу-муҳаббатдек покиза, муқаддас бир нарсани оёқ ости қилаётганликларидан ҳижолатда ҳам эмас, уларнинг кўпи кечагина Тошкентга ўқиш учун келган ёш қизлар, йигитлар. Улар ҳали 4—5 балки 6—7 йил таҳсил олишлари керак. Умид билан пойтахтга ўқишга йўллаган устозлари, ота-оналари, маҳалла кўйи бордир уларнинг. Кўздан йироқ қишлоғига, юртига ёруғ юз билан қайтиши керакдир. Бу ҳол эртанинг тузатиб бўлмайдиган армони эмасми? Қўлимда ўнлаб мактублар бор. Уларни қизлар ёзишган. Кимнингдир севикли келини, ардоқли ёри, ясатиқли уйининг бекаси бўлишга лойиқ қизлар, ҳали чимилдиқ юзини кўрмай она бўлаётгани, отасиз болани қаерга қўйишни билмай дуч келган ахлатхонага, жарга улоқтириб кетаётгани, ўзи эса хўрлик, хоксорликни бўйнига олаётгани, ёрдам сўраб қалам соҳибаларига, редакцияларга турнақатор мактублар йўллаётганини қандай изоҳлаш мумкин. Бу — ўша истироҳат боғлари, хилват жойларга беғурур, беҳаё, бешарм туйғулар измини тутиб, охирини ўйламай боравершининг, кўча-кўйларда «севгиси»ни дастурхон қилиб ёзавершининг хунук мевалари эмасми? Муҳаббатни, эҳтиросни бозорга солиш, майдалаш, қизлик латофатини ўткинчи эҳтиросларга қурбон қилишнинг оқибатидир бу!

**Н**АМАНГАНДАН Шуҳрат исмли йигитдан хат олдим. У юқори синф ўқувчиси экан. Ростини айтсам, Шуҳратнинг мактуби юрак-бағримни ёндириб юборди. Мактубни тортмамга яшириб қўйдим. Ойлар ўтди. Йигит яна мактуб йўллади. «Мен сизнинг аёл эканингизга, она эканингизга ишонган эдим. Наҳот энди тутган қаламингиз тўғри сўзни ёзишдан қўрқади? Тўғри сўзни ёзишдан, элга маълум қилишдан қўрққан қаламингизни синдириб ташланг».

Хатда бу хил дашномлар тўлиб-тошиб ётибди. Иложим қанча, беҳаёни беҳаё эканини ёзиш осон, лекин ўша беҳаёни беҳаё эканини исбот қилиш... У Сизни ёзганингиз учун саргардон қилади, тавбангизга таянтиради. Йўқса, беҳаёликни касб қилиб олармиди? Бизда кўпинча беҳаё аёл ҳаёли аёлни шармисор қилади, одамлар эса лоқайд қараб тураверадилар.

Лоқайдлик балоси бешармга равон йўлларни очиб бераверади. Беҳаёни ёзган қалам соҳиби эса судма-суд юриб ўзининг ҳақлилигини исботлаш учун изтироб чекади. Бешарм аёл ишва, карашма айлаб, судни ҳам йўлга солади.

Шуҳратнинг мактубини ўқиб ўзимни кечиролмадим. Қўрқоқлигим учун кечиролмадим. 5 нафар ака-укаларнинг нафратига қолдим. «Бизлар беш оғайни ботир эдик, дастимиз узун эди. Суянч тоғимиз отамиз бор эди. Ўқишларимиз аъло, ишларимиз унумли, оиламиз эса офтобли эди. Отамизни катта шаҳарлик бир ойимча тортиб олиб кетди. Уятдан онамнинг қадди букилиб қолди. Бизнинг қанотимиз синди, суянган тоғимиз қулади. Учолмаймиз, бош кўтариб юролмаймиз. Ота ўғриси бўлган аёлга жазо борми? Ёрдам беринг...»

Мен мактуб изидан бориб кўп нарсаларни билдим, ота ўғрисини ҳам танидим. Лекин на чорам бор. Бу тузатилмас хатони мен қандай қилиб тузатай? Бешарм отани, беҳаё аёлни қайси қонун билан суд қилай. Бу виждон, шарму ҳаёнинг иши. Ўғилларини ташлаб бошқа билан кетиб қолган отани ўз уйига қайтариш учун қалам кучи эмас, виждон, диёнат, инсоф кучи, қудрати керак. 5 ўғилнинг ризқини қийиб, бировларнинг отасини эр қилиб ўтирган жувоннинг қилмишлари эса ёлғиз нафратга лойиқ. Мен бу хил можарони қаламга олишдан ҳазар қилгандим. Шуҳрат мени қаттиқ айблади, изтиробга солди, ўз мактублари билан. Мен шармсизларга шарм тилайман. Шуҳратга эса сабр-қаноат. От айланиб бир кун ўз қозиғини топади, бунга ишончим комил...

Баъзан шундай бўлади. Бугун бошида шоҳи рўмол, эгнида атлас кўйлак, атлас лозим кийиб сизга, хонадон соҳибларига эгилиб келин салом қилган қиз бир йил ўтмай шундай дағаллашади, шундай юриш-туришлар қиладики, ўша таъзимга эгилган қўллар пахса-пахса бўлиб Сизга йўл ҳам кўрсатади. Ўша ширин тиллардан заҳарлар томади.

Хонадонда биринчи қизалоқ туғилди. Йигит хомуш онасига дейди: «Бриллиант зирак олиб берасан» деяпти. Ким? Келинингиз. Нега энди. Тўйда бинойидек тақинчоқлар, зирак ҳам совға қилганмиз-ку?

— Йўқ, бу зирак қиз туғиб бергани учун эмиш... Она бечора қай кунга қолганини ўзи билади. Онасининг гапига кириб зирак олдирмоқчи бўлган қиз янги қурилган оилага ўзи дарз солганини билармикин? Оиланинг ҳар бир туғилган фарзанди учун бож-хирож талаб қиладиган бундай аёлни шармли аёл деб бўладими? У мана шу хонадонда униб-ўсиб кетишга ҳақлими? Ўзи тушган хонадоннинг, қайнонасининг бирини икки қилишни ўйламай, уларнинг топганини совуришни ният қилган келинни қандай она тарбия қилганикин?

Яна бувимнинг гапларини эслайман. «Қаноат, қаноатнинг таги роҳат бўлади, болам. Қиз бола палахмоннинг тоши бўлади. Тушган жойида ўрнашиб қолсин, қайтиб келмасин, дегани бу. Тушган жойингнинг тошини — олтин, тупроғини гавҳар деб билгин, жон болам, — дердилар бувим.

Қўшни хонадонда тўй тараддуди. Фотиҳа қилинган йигит-қиз учрашиб, биринчи бор кинога тушишди. Ниҳоят ЗАГС куни етиб келди. «Тилла занжир олиб бермасангиз, загс-пакисингизга бормайман» — деди қиз. Йигитнинг ҳайратдан тили лол бўлиб туриб қолганини кўрган қиз яна деди. «Нима, оғриняпсизми. Ҳозирдан оғринсангиз, шўримнинг қуригани шу экан-да, тўйдан сўнг нима кун кўришимни билиб турибман...

Маънавий дунёси қашшоқ бўлган аёл тилла занжир таққани билан гўзал бўлиб қолмаслигини билмасмикин? Рўзғори, умр йўлдошининг изтироблари эвазига бриллиант зирак тақишни орзу қилган аёл-чи?

Қизларимиз оила қуриш, катта ҳаёт, қутлуғ уй остонасига қадам қўйишдан олдин ана шулар ҳақида мулоҳаза юритсалар яхши. Бировни бахтли қилишни ўйлаган аёл бахтли бўлишга ҳақли. Бировларнинг бахтсизлиги эвазига бахту тахтни орзу қилиш саҳро ўртасида қаср қуриш билан баробар. Қизларда ҳусну жамол бўлса, — бу — ярим бойлик. Ҳаё пардасига ўралган қиз эса бутун бир бойлик соҳибасидир. Оламнинг мунавварлиги унда аёллар борлигидан. Кўнглимизнинг мунаввварлиги эса ҳаёли, иболи, назокатни унутмаган аёллар борлигидан. Ҳаё-бахтнинг қудрати, муҳаббатнинг сувратига ўхшайди. Оппоқ тилакларим ичра ёниб турган нурдир у. Мен уни эъзозлайман, бошимга қўяман, қароғларим узра асраб авайлайман. Унинг танқис бўлиб боришидан, инқирозидан қўрқаман. Аёлларга ёлвораман, қизлардан ўтинаман, лоқайд одамларга илтижо қиламан: маънавий оламимизнинг ул бебаҳо зийнатини қадрламоқ, эҳтиёт қилмоқ, унинг соврилишига йўл қўймаслик барчамизнинг бурчимиз. Зеро, бу сирқираб ётган дунёни зўравонлик эмас, гўзаллик қутқариб қолади.

**Х**АЛҚ — АЁЛДАН, мамлакат эса оиладан бошланади. Аёл, она — гўдакнинг биринчи Ватанидир. Бас, шундай экан шул Ватанни саломат асрамоқ керак. Оналик, инсонликнинг қонунлари кўп, улар қомусларда ёзиб қўйилган. Лекин инсонликнинг ёзилмаган қонунлари ҳам бор. Буларнинг бири биз айтган шарму ҳаёдир. Наздимда инсон учун Ватан бўлган онанинг, аёлнинг юрагини, софлигини, беғуборлигини асрашга, сақлашга шошилмоқ керак.

**Эътибор ОХУНОВА**

---

ҚОЛМАХОН УСМОН ЎҒЛИ — 80 ЁШДА

## Қутлаймиз!



Ҳурматли Қолмахон оға!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви Сизни — ардоқли юртдошимиз бўлмиш кекса қозоқ ёзувчисини табаррук 80 ёшингиз билан самимий қутлайди.

Сизнинг бутун ҳаётингиз ўзбек халқи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан чамбарчас боғланган. Сиз Тошкент шаҳридаги 5-болалар уйида тарбияландингиз, аввалига «Казинпрос» қошидаги намунали ўрта мактабда, 1929 йилдан эса Ўрта Осиё Давлат дорилфунунида таҳсил кўрдингиз. Айни пайтда Тошкентдаги қозоқ педагогика техникумида дарс бердингиз, қизғин бадиий ижод ва илмий-методик тадқиқотлар билан машғул бўлдингиз. Натижада 1929 йилда Ўзбекистон пролетар Ёзувчилар уюшмасига аъзоликка қабул қилиндингиз. 30-йилларда Самарқанд шаҳрида қозоқ тилида чоп этилган «Қурол» достонингиз, қатор шеърий тўпламларингиз, «Гуллаган дала», «Меҳнат қаҳрамонлари» драмаларингиз билан жумҳуриятимиз китобхонлари орасида кенг танилдингиз. 1934—1937 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги қозоқ адабиёти секциясига раҳбарлик қилдингиз. Улуғ Ватан урушида жанг қилиб, қатор жанговар нишонларга сазовор бўлдингиз. 1946 йилда ўз юртингизга қайтиб, кўп йиллар Бўстонлиқ туманидаги қозоқ ўрта мактабида ўқитувчилик қилдингиз. Сизнинг бу хизматларингиз Ҳурмат белгиси ордени, «Халқ маорифи аълочиси» нишони, Қозоғистон ва Ўзбекистон Олий Кенгашлари Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Ҳурматли Қолмахон оға!

Ижтимоий ва адабий ҳаётимизда адолат тикланаётган бугунги қайта қуриш кунларида Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитратдек даҳолар билан ҳамсуҳбат бўлиб, бир сафда туриб ижод этган, Ғани Муротбоев ва Мухтор Авезов назарига тушган Сиздек оқсоқол адибни туғилган кунингиз билан яна бир карра табриклаб, тилак билдирамизки, ҳамиша соғ-омон, бардам-бақувват бўлинг.

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ**

---

# Соломон Александрович ЮДАКОВ



Ўзбекистон ССЖ мусиқа маданияти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон ССЖ халқ артисти, ССЖ давлат мукофотининг ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ давлат мукофотининг соҳиби, замонавий ўзбек мусиқасининг асосчиларидан бири, бастакор Соломон Александрович Юдаков 75 ёшида вафот этди.

С. А. Юдаков 1916 йилда Қўқонда туғилди. Москва консерваториясида тарбияланган бастакор ўзининг бутун умрини замонавий ўзбек мусиқасини ривожлантиришга бағишлади.

Унинг ижодиёти серқирралиги, ўзига хос ёрқин бўёқлари, ишонч бахш этувчи умидворлик руҳи билан ажралиб турарди. С. А. Юдаков ҳаммага машҳур биринчи ўзбек комик операси — «Майсаранинг иши» операсининг муаллифидир. Йирик вокал—симфоник асарлар, «Порлоқ йўл», «Шоҳи сўзана», «Ганг дарёсининг қизи» спектаклларига, «Фурқат», «Гуллар очилганда», «Темирчининг байроғи» ва бошқа фильмларга ёзилган куйлар унинг қаламига мансубдир.

Бастакорнинг «Жон Ўзбекистон», «Ёшлар қўшиғи», «Меҳнат шодлиги», «Дугоналар», «Оламда гуллар яшар», «Карнавал вальси» сингари ўзига хос асарлари тингловчиларнинг жуда катта меҳрини қозонган.

С. А. Юдаков Улуғ Ватан уруши йилларида бир қанча ватанпарварлик қўшиқларини яратди.

Унинг «Куйлама, соҳибжамол», «Басандаст булбул», «Афсонаи дил» романслари чуқур ҳиссиётга бойлиги билан ажралиб туради.

«Ёшлар достони» «Фестиваль увертюраси», «Ёшлар увертюраси» каби симфоник асарлари, «Она хотираси» марсияси жуда машҳур бўлиб кетди.

С. А. Юдаков Тожикистон ССЖ Давлат мадҳиясининг муаллифи ҳамдир.

С. А. Юдаковнинг ижтимоий-мусиқавий фаолияти ҳаммага маълум. У ССЖ ва Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг раҳбар идораларига неча бор сайланган эди.

У мусиқа маданиятини ривожлантиришдаги чинакам катта хизматлари учун Ўзбекистон ССЖ халқ артисти юксак унвонига сазовор бўлган, Меҳнат Қизил байроқ ва Ҳурмат белгиси орденлари, медаллар, Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Раёсатининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган, унга ССЖИ ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари берилган эди.

Ажойиб бастакор ва инсон Соломон Александрович Юдаковнинг ёрқин қиёфаси халқимиз хотирасида бир умр сақланиб қолади.

**И. А. Каримов, Ш. Р. Мирсаидов, Д. Д. Берков, А. С. Ефимов, М. И. Иброҳимов, А. И. Икромов, Ҳ. О. Исамуҳамедов, Р. Маматова, С. Д. Ниетуллаев, Р. А. Попов, А. И. Фозилбеков, Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ў. Ҳошимов, Ў. Умарбеков, Б. Назаров, А. Ҳ. Жабборов, Б. Жалолов, Н. Ё. Ғоибов, Ҳ. Носирова, Шукрулло, У. Мусаев, Б. Қориева, Г. Измайлова, С. Эшонтўраева, З. Муҳаммаджонов, О. Ёқубов**

---

# МУШТАРИЙЛАР ҲУЗУРИДА

### АНДИЖОН

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бир гуруҳ ходимларининг андижонлик муштарийлар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Улар дастлаб Балиқчи райони меҳнаткашлари, район маданият ва халқ маорифи вакиллари билан учрашдилар. Район партия комитетининг биринчи котиби Бегижон Раҳмонов учрашувни оча туриб, бундай деди:

— «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасини биз нима учун ўқиймиз? Ростгўйлиги учун! Назаримда, газетани эл орасида машҳур қилган омиллардан биринчиси унинг ана шу фазилатидир. Яна бир гап шуки, газета нафақат оддий меҳнаткашлар учун, шунингдек, қишлоқ ўқитувчилари учун ҳам ўзига хос бир қўлланмага айланиб қолди. Газета саҳифаларида босилаётган ахлоқ-одоб мавзуидаги, мактаб ҳаётидан ҳикоя қилувчи мақолалар ўз акс садосини топмоқда. Бугунгидек аравани ҳар ким ҳар ёққа судраётган бир даврда бизга рост гапни, бор гапни айтибгина қолмай, воқеа-ҳодисотларни чуқур таҳлил қилиб берадиган матбуот нашрлари жуда ҳам зарур. Биз ўшандай нашр бўлган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ходимларига шу йўлдаги оғир меҳнатларида муваффақиятлар тилаймиз.

Шундан кейин газета бош муҳаррири А. Мелибоев ҳафтаноманинг 1991 йилги режалари хусусида гапирди.

—Ҳаёт доимо ҳаракатда, — деди А. Мелибоев. — Ҳафталикнинг наинки кейинги йилдаги сонларида, ҳатто навбатдаги сонида палон мавзуда мақола эълон қиламиз, қабилидаги ваъдаларни бизнинг кунларимиз кўтармайди. Чунки, воқеалар шу даражада шиддатли тус олмоқдаки, бугун шов-шув бўлган воқеа ёки мавзу эртага унутиляпти ёки бўлмаса, ўз қадр-қимматини йўқотмоқда. Халқда «Ваъда беришга шошилма, берган ваъдангни бажаришга шошил!» деган гап бор. Биз муштарийларга берган ваъдаларимизни (агар уларни шундай дейиш мумкин бўлса) газетанинг ҳар бир сонида босилаётган мақолаларга сингдиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Улар аввало неча ўн йиллар мобайнида халқнинг юрагида тўпланиб қолган дардларини шунчаки қуруқ сўзлар билан айтиб қолмасдан, балки тақдирлар мисолида чуқур таҳлил қилишдан иборатдир.

Шунингдек, Андижон медицина институтида ҳамда Андижон Педагогика институтида ҳам учрашувлар бўлиб ўтди. Уларда филология фанлари номзоди, ёзувчи Маҳкам Маҳмудов, тарих фанлари номзоди Сайфиддин Жалилов ва бошқа олимлар, институтларнинг талабалари сўзга чиқишди.

### ҚАШҚАДАРЁ

Қашқадарё вилояти шаҳар ва қишлоқларида бўлиб ўтган учрашувлар чоғида муштарийларни тўлқинлантираётган, кўп йиллардан буён халқимизнинг дилида тугун бўлиб ётган ўй ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Ульянов туманидаги «Ўзбекистон комсомолининг 50 йиллиги» давлат хўжалиги ҳамда Қарши педагогика билим юртидаги учрашувлар чоғида ҳафталикнинг муштарийлар эътиборини қозонган ижодий анъаналарни изчил давом эттириш, уни янада жонли ва таъсирчан қилиш, мавзу кўламларини кенгайтириш юзасидан қимматли таклиф ва мулоҳазалар айтилди. Ҳафталик бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг 1991 йилдаги ижодий режалари, ёритиш мўлжалланаётган мақолалар билан муштарийларни таништириб, уларнинг саволларига жавоб берди. Бу учрашувларда ҳафталик ижтимоий ҳаёт бўлими мудири М. Абдуллаев, шоир Исмоил Тўхтамишев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлимининг масъул котиби Муҳаммад Очил, ҳафталикнинг фаол жамоатчи мухбирлари иштирок этдилар.

**Д. Умаров, Ульянов туманидаги «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» давлат хўжалигининг бош муҳандиси:** — Ҳафталик саҳифаларида ёритилаётган пахтанинг харид нархи, тил муаммолари, тарихий шахслар тақдири билан боғлиқ мақолалар бизни хушнуд қилмоқда. Газета халқимиз зориқиб турган муаммоларга жиддий эътибор бераётгани, кескин масалаларни дадил кўтариб чиқаётгани учун мен яна бир масалага эътиборни қаратмоқчиман. Бу солиқ масаласидир. Шу йил 1 июлдан бошлаб, кучга кирган янги қонунга мувофиқ агар қишлоқ меҳнаткаши режадан ташқари етиштирган ҳосили учун уч минг сўм қўшимча ҳақ олса унинг 40 фоизини солиқ тарзида тўлаш керак. Бу бир томондан деҳқонга ер, ишласанг ишла деб эрк бериб, иккинчи томондан унинг оёғига тушов солиш эмасми? Меҳнаткашнинг моддий манфаатдорлигини йўққа чиқарадиган, яхши ишлашдан кўнглини совутадиган бу қонунни кўп жумҳуриятлар, хусусан РСФСР парламенти рад этиб, қабул қилмади. Биз эса қабул қилдик. Агар бу қонун қайта кўриб чиқилмаса, ҳеч қачон деҳқоннинг косаси оқармайди.

**Т. Холмуродов, хўжалик директори:**—Ҳафталикда Ўзбекистон тилласи ҳақида яхши мақола ўқидик, бироқ жумҳуриятимизда бу масала охиригача ҳал қилинмаган. Газета ўзининг изчил анъаналари изидан бориб, тилламизга эгалик масаласини ҳам охирига етказишга ўз ҳиссасини қўшса катта савобга қоларди.

**Х. Бердимуродов, Ульянов тумани фирқа қўмитаси котиби:** — Тинч даврда армия сафида ҳалок бўлаётган аскарлар қисмати барчамизни ларзага солди. Шу боис мен яна бир масалага эътибор қаратишни зарур деб биламан. Бу бошқа жумҳуриятларнинг қамоқхоналарида жазо муддатини ўтаётган маҳбуслар тақдири. Биз жиноятчига қанчалик қаттиққўллик зарурлигини ёқламайлик, барибир инсонийликдан, бу борада жаҳон тажрибаларидан кўз юмолмаймиз. Менимча, ким қаерда жиноят қилган бўлса, муддатини ҳам ўша жумҳурият ҳудудида ўташи керак. Газета бу масалани тегишли маъмурлар олдига қўяди, деган умиддаман.

**Э. Аҳмедов, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси:** — Бизнинг туманимиз Муборак газ комплексларининг шундай биқинида жойлашган. Шунга қарамай, қишлоқларимиз ҳамон бу қулай ёқилғидан бебаҳра қоляпти. Бундан ҳам даҳшатлиси, ана шу газ комплексларида ёқилғини қайта ишлашдан чиқаётган заҳарли тутунлар бизнинг бошимизга ёғилмоқда. Кейинги йилларда касалликлар бир неча бор ошиб кетди. Бизни бу азобдан ким қутқаради? Бу қанақаси — оёғимиз остидаги газнинг яшил олови, мўмай пули—ўзгаларга, заҳари эса—бизга?!

**Э. Кенжаев, Қарши педагогика билим юрти директори ўринбосари:** — Бозор муносабатларига доир мақолалар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Лекин кўнглимиздаги ҳадик-хавотирлар ҳали ҳам тарқалгани йўқ. Одамлар ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамма нарсанинг қимматлашиб бораётганидан ҳам кўра жиноятчилик ошиб бораётганидан ташвишга тушмоқдалар. Бозор иқтисоди шароитида ўғирликлар яна ҳам кўпаймасмикан? Ҳафталик шу масалага жумҳуриятимиз ҳуқуқ ходимлари эътиборини қаратса, уларни ҳам инсофга чақирса яхши бўларди.

---

# «ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

Ойноманинг 10-сони босмадан чиқди. Бу сон ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Тил — эл руҳи» мақоласи билан очилган. Унда тил ҳақидаги жумҳурият қонунининг бир йиллиги муносабати билан бу соҳада навбатда қилинадиган ишлар, вазифалар куюнчаклик билан таҳлил қилинади.

Шеърият мухлислари ҳукмига Абдували Қутбиддиннинг «Изоҳсиз луғат» достони, Ойбекнинг «Темур» достонга чизгилари, Хосият Бобомуродова, Қамчибек Кенжа, Салим Ашур, Асрор Мўминов шеърлари ҳавола этилган.

Наср ихлосмандлари Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Оромкурси» қиссаси, Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар» романининг охири ва Раъно Розиқованинг икки ҳикояси билан танишадилар.

Анъанавий «Навоийхонлик» рукнида Ваҳоб Раҳмонов Навоий ғазалларидан бирини шарҳлаб берган. «Меросимизни ўрганамиз» рукнида 460 йиллиги нишонланаётган «Бобурнома» ҳамда Бобур Мирзо ижоди ҳақида қатор мақолалар эълон қилинган.

Шоир Жуманиёз Жабборовнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан шоир Маъруф Жалилнинг «Ҳалол ва камтарин» мақоласи, Асқар Ҳайдаровнинг шоир билан суҳбати берилган.

Жаҳон ҳикоялари хазинасидан югославиялик машҳур адиб Иво Андричнинг «Гавда» ҳикояси эълон қилинган. Араб адиби Ҳаририйнинг жаҳон адабиёти дурдонасига айланган мақомаларидан намуналар ҳам шу сондан ўрин олган.

«Қуръон» таржимаси давом эттирилиб, «Юнус» ва «Ҳуд» суралари берилган.

Публицист Обиджон Жуманазаровнинг «Хас кема бўлолмайди» мақоласида бугунги кунда ечимини кутаётган долзарб муаммолар таҳлил қилинади.

«Тарихнинг «оқ доғлари» рукнида эълон қилинаётган ёш мунаққид Муртазо Қаршибоевнинг «Муҳит эркидаги тутқинлик» мақоласида қатағон йилларидаги фожиалар ёритилади. Давлат хавфсизлик қўмитаси ҳужжатлари асосида ёзилган бу мақолада улуғ шоиримиз Чўлпоннинг қамоқдаги оғир ҳаётига доир таъсирли лавҳалар чизилган.

---

# «ХОРАЗМ»—ТАРИХ ХАБАРЧИСИ

Ошкоралик шарофатларидан бири шу бўлдики, халқимиз тарихига чуқурроқ назар ташлаб ўзлигини англай бошлади. Шунинг учун бугунги кунда бирор матбуот нашри йўқки, ўз саҳифаларида ўтмиш меросимизни ёритмаётган бўлсин. Хоразм ўлкашунослик жамиятининг янги ташкил этилган «Хоразм» хабарномаси ҳам асосий мақсадини мозийни ёритишга бағишланганлиги бежиз эмас. У ўзининг биринчи сонида бундай ният қилади: «Фан ва маданияти башарият ибтидосининг илдизларига тақалган, ҳамма даврларда кашфиёт ва тадқиқотда пешқадамлардан бири бўлган ўлкада «ёппасига саводсизлик» бошланишига кимлар сабабчи бўлди? Хоразмнинг тили ва ёзувини ўлик дейдиганлар кўп. Минг шукрки, Хоразмнинг халқи ҳам, тили ҳам, ёзуви ҳам тирик. Фақат бир касофат бизни ундан шунчалар бегоналаштириб юбордики, ўзликдан ҳазар қилишгача бориб етдик. Хоразмшоҳ сиймосида бахти қайтган Хоразмни Улуғ Октябрь инқилоби шарофати билан қайта тиклаймиз, деган ҳар тил лол қилинди, ҳар кўзга кул сепилди. Энди биз инқилобни танияпмиз. Умидларимиз шунчалик кучлики, зеҳнимизга 15 минг йиллик мозийдан таниш саслар урилмоқда».

Газетада Орол фожиаси, Хоразмнинг бугунги қисмати, воҳанинг боғлари, ҳовузлари, кўллари, ўрмонларини қайта тиклаш, архитектура ансамбларининг тақдири ҳақидаги материалларни ҳам бериб борамиз, — дейди Хоразм ўлкашунослик жамияти кенгашининг раиси, хабарнома бош муҳаррири Неъмат Солаев. — У ҳозирча бир ойда икки марта нашр қилинади.

Ҳа, «Хоразм» хабарномасининг мақсади улуғ. Бу мақсадни амалга оширишда унга моддий жиҳатдан ёрдам беришни истовчи мададкорлар бўлса, ўз маблағларини қуйидаги манзилга жўнатишлари мумкин: «Урганч шаҳри, Уй-жой ижтимоий банкининг ҳисоб рақами 700077. Хоразм ўлкашунослик жамияти».

---

# «ЯНГИ ҲАЁТ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ

Араб имлосида савод чиқарган, туркийда ўқиб ўрганиш иштиёқида бўлган киши учун кундалик машғулот сув билан ҳаводек зарур. Ўзингиз севган кундалик машғулотдан баҳраманд бўлиш ва араб имлосидаги саводингизни янада мукаммаллаштириш йўлида сизга Олмаота шаҳрида ҳафтасига уч марта нашрдан чиқаётган «Янги ҳаёт» рўзномаси ёрдам кўрсатиши мумкин.

Рўзнома ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳаларига оид мақолалар билан бир қаторда тарих, адабиёт ва санъат, ёшлар ижоди, мусиқа маданияти, археология, Шарқ меъморчилиги ва фалсафасига доир асарларни ўз муштарийлари ҳукмига ҳавола қилади. «Туркий халқлар тарихидан» ойнасўзи остида хорижий олимлар ва ёзувчиларнинг асарлари эълон қилинади.

Келгуси йилги саҳифаларимизда Шарқ шеъриятининг мумтозлари Ҳофиз, Саъдий, Навоий, Машраб, Низорий, Залилий, Аҳмад Яссавий каби улуғ зотларнинг ижодларидан баҳраманд бўлгайсиз. Бундан ташқари, Шарқий Туркистон халқ табобатчилигига доир қатор мақолалар ҳам муштарийларнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда режалаштирилади.

Рўзнома таҳрир ҳайъати келгуси йилда Ислом динининг иқтидорли йирик намояндалари ёрдамида фарзанд тарбияси, аҳлоқ ва одоб бобида қатор суҳбатлар уюштирмоқ, Қуръони каримнинг Шарқий Туркистонда чоп қилинган нусхасидан парчалар эълон қилмоқ ниятидадир.

**Рўзномага бир йилга муштарий бўлиш баҳоси 6 сўм 24 тийин. Индекс 65359.**

**Муҳаммад ҲАМРОЕВ,**
**«Янги ҳаёт»нинг жамоатчи мухбири**

---

## БИЛДИРИШЛАР

Шу йил 20 ноябрь куни соат 15 да Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида «Тарихий публицистика масалалари (Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши, мустамлака сиёсати ва Октябрь инқилоби)» мавзуида баҳс-мунозара бўлади. Йиғилишда тарихчи олимлар, ёзувчилар, публицистлар иштирок этадилар. Барча қизиққан ўртоқлар қатнашишлари мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ БАДИИЙ МАҚОЛАНАВИСЛИК КЕНГАШИ**

16 ноябрь — жума куни соат 16.30 да Ўзбекистон ёш ёзувчилари кенгаши иштирокчилари ва таниқли шоирлар иштирокида МУШОИРА ўтказилади.

Барча шеърият мухлисларини Пушкин кўчасидаги Адабиётчилар уйига таклиф этамиз.

---

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарғибот маркази ходимлари Жиззах вилояти бўйича мухбир-ташкилотчи Меҳринисо Каримовага укаси

**Анвар КАРИМОВ**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси жамоаси «Шодлик» ансамблининг хонандаси Муродилла Соҳибовга отаси

**Алиқул СОҲИБОВ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси ССЖИ Кинематографчилар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган маданият ходими, шахсий пенсионер Ж. Аҳмедовга рафиқаси

**Нозима АҲМЕДОВА**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

